

ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

info@adolatgz.uz

www.adolatgz.uz

www.adolat.uz

№ 37 (1101)

2016-yil, 3-sentabr, shanba

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIIY MAJLISI VA ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING AXBOROTI

Азиз ватандошлар,
Юрагимизда чуқур қайғу билан барчамиз учун қадрли бўлган Президентимиз Ислам Абдуғаниевич Каримов вафот этгани маълум қиламиз. Ислам Абдуғаниевич 2016 йил 2 сентябрда Тошкент шаҳрида бош миёда қайта тикланмайдиган ўзгаришларга ва поли- орган етишмовчилигига олиб келган миёра қон айланишининг ўткир бузилиши (инсульт) оқибатида вафот этди.

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримов ҳақиқатан буюк тарихий шахс эди. Ислам Каримовнинг қатъияти ва жасорати билан республикамиз мустақилликка эришди ва ўз та-

раққиёт йўлида улкан муваффақи- ятларни қўлга киритди. Ёш давлатимиз учун гоёт мураккаб ва масъу- лиятли даврда вазият бекарор- лашувининг олди олингани ва халқимизнинг уруш даҳшатларини кўрмасдан эсон-омон ўтиши бе- восита Ислам Каримов номи би- лан боғлиқ.

Халқимизнинг чексиз муҳабба- тини қозонган, мустақил мамла- катимизнинг Биринчи Ўйлобчи- си Ислам Абдуғаниевич Каримов қалбларимизда абадий қолади ва келажак авлодлар хотирасида тинчлик, барқарорлик, фаровонлик ва тараққиёт раҳнамоси, буюк давлат арбоби сифатида мангу яшайди.

Барчамиз учун қадрли бўлган Президентимизнинг ва- сиятига кўра, Ислам Каримов шу йил 3 сентябрда ота-онаси мангу қўним топган она шаҳри Самарқандда мусулмон урф- одатларига биноан дафн эти- лади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти билан ви- долашув маросими 2016 йил 3 сентябрда Самарқанд шаҳри- да бўлиб ўтади.

Биз барчамиз учун ўта оғир жудалик муносабати би- лан марҳумнинг оила аъзо- лари ва бутун Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик билдирамиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

Қонунчилик палатаси Кенгаши,

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING BIRINCHI PREZIDENTI И. А. КАРИМОВНИНГ ДАФН МАРОСИМИНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ДАВЛАТ КОМИССИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И. А. Каримов вафот этгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И. А. Каримовнинг дафн маросимини ўтказиш бўйича қуйидаги таркибда Давлат комиссияси ташкил этилсин:

Мирзиёев Ш. М. — Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, комиссия раиси;

Ўйлошев Н. Т. — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси, комиссия раисининг ўринбосари;

Исмоилов Н. М. — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери, комиссия раисининг ўринбосари;

Иноятов Р. С. — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг раиси;

Азимов Р. С. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, Молия вазири;

Хайдаров З. Х. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси;

Назармухамедов Д. А. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси;

Султонов Х. М. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси;

Махмудов В. В. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Хузуридаги Хавфсизлик Кенгаши котиби;

Ерниязов М. Т. — Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгашининг Раиси;

Ахмедбаев А. А. — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири;

Бердиев Қ. Р. — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири;

Комилов А. Ҳ. — Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири;

Қурбонов Р. Д. — "Республика иختисослаштирилган кардиология маркази" акциядорлик жамияти директори, Ўзбекистон Қаҳрамони;

Миробоев Б. Ш. — Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси;

Раматов О. Ж. — "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони;

Санакулов Қ. С. — Навоий кон-металлургия комбинати бош директори, Ўзбекистон Қаҳрамони;

Мирзаев З. Т. — Самарқанд вилояти ҳокими;

Ғаниев Б. — "Қамолот" Ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси;

Усмонов Ш. Ф. — Республика "Нуроний" жамғармаси раиси;

Усмонов Р. Д. — Тошкент шаҳар ҳокими;

Шаралова М. А. — Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги 2-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони.

2. Давлат комиссияси:

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И. А. Каримовнинг хоҳиш-иродасига мувофиқ дафн маросимини Самарқанд шаҳрида 2016 йил 3 сентябр- да ташкил этсин;

2016 йил 3 сентябрдан Ўзбекистон Республикаси- да уч кунлик мотам эълон қилинсин ва республика- нинг барча ҳудудларида мотам тадбирлари ўткази- син;

халқимизнинг, қорхоналар, ташкилотлар, таълим муассасалари ва кенг жамоатчилиқнинг фикрини ҳисобга олиб, бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш бўйича тақдирлар киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси

Н. ЎЙЛОШЕВ

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Н. ИСМОИЛОВ

Тошкент шаҳри, 2016 йил 2 сентябрь

Ислам Абдуғаниевич Каримовнинг касаллиги ва вафоти сабаблари тўғрисида ТИББИЙ ХУЛОСА

Бемор И.А.Каримов, 78 ёшда, 27 август кунини эрталаб соат 09.00 да ух- сиз ҳолатда зудлик билан Ўзбекистон Республикаси Солиқни сақлаш вазириги Тиббиёт-санитария бирлаш- масининг Марказий клиник шифо- хонасига олиб келинди.

Ўтказилган текширувлар, жумла- дан, бош миёна компьютер томогра- фияси беморда бош миёна қон айла- ниши ўткир бузилиши субарханоид- дал қон куйилиши асорати билан (ин- сульт) аниқланди. Артериал қон бо- сими 250/120 мм. симбол устунига тенг. Беморда юрак фаолиятининг тўхташи кузатилди. 20 дақиқа даво- мида олиб борилган реанимацион муолажалар натижасида юрак фао- лиятини тиклашга эришилди. Бемор миёна ўзати фаолияти бузилиши оқиб- атида атоник кома ҳолатига тушиб ва сунлий нафас олиш аппаратида ўткази- лди.

27 августдан 28 августга ўтар ке- часи бемор етакчи хоржий клини- каларининг нейрохирурглари, кардиолог ва реаниматологлари — А. Н. Бакулев номлидаги Юрак-то- мир хирургияси илмий маркази ди- ректори, академик Л. Бокерия, Н. Н. Бурденко номлидаги нейрохи- рургия илмий маркази директори, ака-

демик А. А. Потапов (Россия), Ган- новер халқаро нейрохирургия инсти- тутининг вице-президенти ва ижрочи директори, профессор Амир Сами (Германия), Кардиоторакал марказ ди- ректори, профессор Жилли Дрейфус (Монако), Хейдельберг университети клиникасининг кардиология бўлими раҳбари, профессор Хьюго Катус (Гер- мания), Хельсинки университети Марказий госпиталининг нейрохирур- гия бўлими профессори Юка Херинсе- ниеми (Финляндия) томонидан тиб- бий кўриклан ўтказилди.

Ўзбекистон мутахассислари билан ҳамкорликда ўтказилган консилиум натижасида кейинги даволаш режа- си белгилаб олинди.

Беморнинг неврологик ҳолати ав- вал бошдан атоник кома сифатида қайда этилди. Неврологик статусда диффуз мушак атонияси, арсефлек-

Соғлиқни сақлаш вазири Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, тиббиёт фанлари доктори, профессор Тиббиёт фанлари доктори, профессор Тиббиёт фанлари доктори, профессор Тиббиёт фанлари доктори, профессор Тиббиёт фанлари доктори, профессор Тиббиёт фанлари доктори, профессор Тиббиёт фанлари доктори, профессор Тиббиёт фанлари доктори, шахсий шифокор

сия кузатилди. Беморга уч маротаба динамик электроэнцефалографик текширув ўтказилди, унда бош миё- нинг биоэлектрик фаолиятининг су- саяиши аниқланди.

Ўтказилган интенсив терапия жа- раёнида беморнинг ички аъзолари (қон томир, нафас олиш, қон ивиш тизимлари, буйрак ва жигар) фао- лиятининг аста-секин бузилиши — полиорган етишмовчилиги кузати- лди.

Юқорида қайд этилган тўлиқ ҳаж- мадаги диагностика-даволаш муолажа- лари ва интенсив терапия чора-тад- бирлари ўтказилганига қарамадан 2016 йил 2 сентябрь кунини соат 20.15 да юрак фаолияти тўхтади.

Амалга оширилган интенсив ре- анимация тадбирлари натижа берма- ди ва беморда соат 20.55 да биоло- гик ўлим ҳолати қайд этилди.

А. Алимов
Ш. Каримов
В. Авьяков
Б. Гафуров
Ф. Қориев
Р. Қурбонов
К. Маҳкамов
П. Черниш

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM ABDUGANIEVICH KARIMOV



Ватанимиз, бутун Ўзбек халқи ўта оғир жудаликка учради. Буюк давлат ва сиёсат арбоби, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Абдуғаниевич Каримов шу йил 2 сентябрь кунини оғир касалликдан сўнг вафот этди.

Ислам Абдуғаниевич Каримов 1938 йил 30 январда Самарқанд шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. Ўрта Осиё политехника институти ва Тошкент халқ ҳўжалиги ин- ститутини муҳандис-механик ва иқтисодий мутахассисликлари бўйича тугатди.

Меҳнат фаолиятини 1960 йилда Тош- кент қишлоқ ҳўжалик машинасозлиги за- воидида бошлади. 1961 йилдан 1966 йилгача Тошкент авиация ишлаб чиқариш би- рлашмасида муҳандис, етакчи муҳандис-кон- структор бўлиб ишлади.

1966 йилда Ўзбекистон ССР Давлат план комитетига ишга ўтиб, мутахассисликдан Республика Давлат план комитети раисининг биринчи ўринбосари лавозимига ча- билган йўлини босиб ўтди.

Ислам Абдуғаниевич Каримов 1983 йил- да Ўзбекистон ССР Молия вазири, 1986 йилда Ўзбекистон ССР Министрлар Со- ветининг Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон Дав- лат план комитетининг раиси этиб тайин- ланди.

У 1986-1989 йиллар мобайнида Қашқа- дарё вилояти партия комитетининг би- ринчи котиби лавозимига ишлаб, ўзининг кат- та раҳбарлик ва ташкилотчилик қўбилляти, фидойилиги ва қатъияти, эл-юрт дардини, одамларнинг ташвиш ва муаммолари, улар- нинг талаб ва манфаатларини юракдан ҳис қилиши билан гоёт оғир ижтимоий-иқти- содий аҳволга тушиб қолган вилоятдаги ва- зиятни қисқа вақт ичида тубдан ўзгарти- ришга эришди.

Ислам Абдуғаниевич Каримов 1989 йил- нинг июнидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби этиб сайланди.

Ушай пайта республикамиз фуқаролар уруши, қон тўкиш, миллилатлар ва конфес- сияларга мижозлар ёқасида турган эди. Воқеаларнинг худди шундай ривожни қўшни мамлакатларда амалга оширилган эди. Ана шундай ўта оғир даврда у ўзининг воқеа- ларни олдидан кўра билиши қўбилляти, кучли иродаси ва қатъияти билан халқимиз ва мамлакатимизни шундай ачинарли қис- матдан сақлаб қолди.

Айнан ушай даврда халқимиз Ислам Абдуғаниевич Каримов тисмолида мард, бу- қилмас ирода эгаси ва содир бўлаётган фа- қуллада мураккаб ҳолисаларнинг моҳияти- ни давлат манфаатлари нуқтаи назаридан кўра оладиган, ўз Ватани ва халқи, ҳар бир юрдошининг тақдирини учун алоҳида масъ- улиятни ҳис эта оладиган ҳақиқий раҳбар- га эга бўлди.

1990 йил 24 март кунини Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг сессиясида Ислам Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон ССР Президенти этиб сайланди. 1991 йил 29 де- кабрда мўқобиллик асосида ўтказилган умум- халқ сайловиди Ўзбекистон Республикаси- нинг Биринчи Президенти этиб сайланди.

Ислам Абдуғаниевич Каримов 25 йил давомида мустақил Ўзбекистонни бошқа- रिб, оқиқ фуқаролик жамияти ва бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демок- ратик давлат қуришининг чуқур уйлانган

стратегиясини ишлаб чиққан ва уни амалга оширган буюк давлат арбоби сифатида мам- лакатимизда ва халқаро майдонда юксак обрў-этибор қозонди.

Ўзбекистоннинг суверенитети ва мус- тақиллигини сақлаш ва мустақамлаш Прези- дентини Ислам Каримов учун ҳақиқатан энг олий устувор вазифа бўлиб келди ва у олиб борган сиёсатнинг асосий ўзақ тамойили бўлиб қолди.

Ўзбекистон халқи истиқлол йилларида эришилган барча оламшумул ютуқлар ва натижаларни мамлакатимизнинг Биринчи Президенти номи ва фаолияти билан уз- вий боғлиқ деб билади.

У ҳақли равишда демократик талаблар ва халқаро мезонларга тўла жавоб беради- ган Ўзбекистон Республикаси Конституция- сининг муаллифи бўлиб, уни ҳақта амал- лий жиҳатдан табиқ этишининг ҳақиқий ка- фолатиға айланди.

1991 йилда Ўзбекистон пахта яккахўким- лигининг халокатли таъсири оқибатида иқтисодиётни бирёқлама, мўрт ва ночор рив- ожланган, аҳолининг ҳаёт даражаси гоёт ачинарли аҳволга тушиб қолган қолақ ар- гар мамлакат эди. Республика ҳаётий му- ҳим товарларнинг кўпгина турларини, би- ринчи навбатда ғалла ва энергия ресурсла- ри бўйича маҳсулотларни ўзиди ишлаб чи- қармас ва бу борадаги ўз эҳтиёжларини таъ- минлай олмас эди.

Ислам Абдуғаниевич Каримов иқтисо- дий мустақилликка эришмасдан туриб, сиё- сий мустақилликни таъминлаш мумкин эмас, деган фикрининг қатъий тарафдори эди. Айнан шунинг учун ҳам Юртбошимиз томонидан машҳур беш тамойил асосида бутун дунёда тараққитнинг "Ўзбек моде- ли" деб эътироф этилган Ўзбекистон иқти- содети тубдан ислоҳ этиш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш дастури иш- лаб чиқилди. Бу моделнинг туб негизини "Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало ин- сон учун" деган стратегик йўналишини амал- га ошириш ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Ўзбекистонда кенг қўламли таркибий ислоҳотлар амалга оширилди, нефть қимё- си, қимё, автомобиль саноати, қишлоқ ҳўжалиги ва темир йўл машинасозлиги, фар- мацевтика, электротехника, тўқимачилик саноати, замонавий қурилиш материалла- ри саноати каби юқори технологияларга асосланган мутлақ янги саноат тармоқла- рига асос солинди.

Устурт ва Шўртан газ-қимё мажмуалари, Бўхоро нефтни қайта ишлаш заводи, Қўн- гирут сода заводи, Деҳқонobod қайлиги ўн- ги- лар қорхонаси, Анджегон, Самарқанд, Тош- кент ва Хоразм вилоятларидаги автомобиль заводлари сингари дунё миқёсидаги ноёб са- ноат объектлари барпо этилди.

Республикамизда замонавий йўл-транс- порт ва муҳандислик-коммуникация инф- ратузилмалари, жумладан, Қамчиқ тоғ до- вонини орқали ўтказган ноёб туннелни ўз ичи- га олган Ангрэн — Поп темир йўл тармоғи, Тошгузар — Бойсун — Қумқўрган темир йўли бунёд этилди. Тошкентдан Самарқанд, Бўхоро ва Қарши шаҳарлари йўналишлари

бўйича юқори тезликда ҳаракатланган поезлар қатнови йўлга қўйилди, халқаро аэропортлар модернизация қилинди, "На- воий" аэропорти негизида халқаро логис- тика маркази ташкил этилди ва Ўзбек мил- лий автомагистрალი қурилиши якунига ет- казилди.

Ўзбекистоннинг дунёда энг жадал суръат- лар билан ривожланиб бораётган иқтисоди- ётга эга бўлган бешта давлат қаторидан жой олгани Президент Ислам Абдуғаниевич Каримов томонидан олиб борилган исло- ҳотларнинг амалий ифодаси бўлди.

Ислам Абдуғаниевич Каримов қишлоқ ҳўжалигидаги чуқур ўзгаришларни амалга ошириш, ерининг ҳақиқий эгаси бўлган янги мулкдорлар синфи — фермерлик ҳаракати- ни шакллантиришининг ташкилотчиси эди. Унинг ташаббуси билан жаҳон амалиётида ўхшаш бўлмаган, қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартиришга қаратилган, қишлоқ аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ша- ҳардагидан кам бўлмастлигини таъминлай- диган намунавий уй-жойлар қуриш дасту- ри амалга оширилмоқда.

Ислам Абдуғаниевич Каримов Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонини сифатида Ўзбекистон Республикасининг мус- тақиллигини, унинг худудий яхлитлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини, хал- қимизнинг тинч ва оқойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган за- монавий Қуролли Кучларни тубдан ислоҳ этиш, уларнинг жанговар салоҳияти ва қуд- ратини оширишни таъминлади.

У туб негизида бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва вуждида келаятган қарама-қаршилик ва мижозларни фақатгина тинч, сиёсий йўл билан ҳал этишга асосланган тинчликпарвар сиёсат мижасам бўлган Ўзбекистон Республика- сининг Ташқи сиёсат концепциясини иш- лаб чиқди ва амалга оширди. Давлатимиз раҳбари минтақамизда ва бутун дунёда тинчлик ва барқарорликни сақлашга улкан ҳисса қўшди.

Ислам Абдуғаниевич Каримовнинг ташаббуси асосида, эски қолип ва мезон- лардан бутунлай воз кечган ҳолда, кенг миқёсдаги Қарлар тайёролаш миллий дасту- ри, таълим-тарбия тизимини энг замона- вий халқаро стандартлар бўйича тубдан ўзгартиришга қаратилган ислоҳотлар дасту- ри ишлаб чиқилди ва ҳаётга жорий этилди.

Ислам Абдуғаниевич Каримов мамлака- тимизнинг бутунги ва эртанги кунининг ҳал қилувчи кучига айланиб бораётган ёшлар- нингнинг онгу тафаккури ва дунёқараши- ни бутунлай ўзгартирган, навқирон авлод- ни тарбиялаб воита етказишининг янги прин- ципиал тизимини ташкил қилиш ва уни ҳаётга жорий этиш ишларига бевосита раҳ- барлик қилди.

Мамлакатимиз раҳбари миллий-маъна- вий қадриятларимизга ҳурмат-эҳтиром би- лан муносабатда бўлиш, муқаллас динимиз, урф-одатларимиз, бебаҳо тарихий мероси- мизни асраб-авайлаш ва ривожлантириши- ни давлат сиёсати даражасига кўтарди, халқ- аро майдонда Ўзбекистоннинг обрў-эти- борини оширишга катта ҳисса қўшди.

У фуқаролик жамияти институтлари, ав- вало, маҳалланинг давлат ва жамият бош- қарувидаги нуфузини ошириш, уларнинг ва- қолат ва ҳуқуқларини кенгайтириш маса- ласига алоҳида эътибор қаратди.

Ислам Абдуғаниевич Каримовнинг пой- тахтимиз Тошкент шаҳри, мамлакатимиз- нинг барча шаҳар ва қишлоқлари қиёфаси- ни замонавий меъморийлик талаблари асоси- да тубдан ўзгартириш борасидаги кенг қўламли бунёкорлик ишларини эл-юрти- миз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Ислам Абдуғаниевич Каримов суверен ва мустақил Ўзбекистонни барпо этиш, халқпарвар демократик ҳуқуқий давлат яра- тиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий то- тувиқлини таъминлаш ишига қўшган улкан ҳиссаи ҳамда бу борда матонат ва жасо- рат кўрсатгани учун Ўзбекистон Қаҳрамо- ни унвони, «Мустақиллик» ва Амир Темур орденлари билан тақдирланган.

Ислам Абдуғаниевич Каримов Ўзбеки- стон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзо- си эди. Айни вақтда у иқтисодиёт, илм- фан, таълим-тарбияни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаи учун қўшлаб хо- рижий мамлакатлар университет ва акаде- мияларининг фахрий фан доктори ҳамда академиги этиб сайланган. Шунингдек, у бир қанча хоржий давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг фахрий унвон, орден ва медаллари билан ҳам мукофот- ланган эди.

Ислам Абдуғаниевич Каримов ўз халқи- ни чексиз меҳр-муҳаббат билан севар эди ва ўзининг сўнги кунларига қадар бутун ҳаётини Ўзбекистонга хизмат қилишга ба- ғишлади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, ўзбек халқининг буюк фар- занди Ислам Абдуғаниевич Каримовнинг сўнмас хотираси барча миннатдор юртдош- ларимизнинг, бутун халқимизнинг қалбида абадий сақланиб қолади.

Ш. М. Мирзиёев, Н. Т. Ўйлошев, Н. М. Исмоилов, Р. Р. Иноятов, Р. С. Азимов, Д. А. Назармухамедов, Х. М. Султонов, Ш. И. Солиҳов, И. М. Мирзаалиев



Болангиз мактабга тайёрми?

СУХБАТ

Шу кунларда юртимизда янги ўқув йили бошланиб, минг-минглаб ўғил-қизларимиз биринчи синфга қабул қилинади. Янги муассаса, биринчи муаллим, синфдошлар билан танишиш, мактабга бориш кўникмасини ҳосил қилиш, табиийки муайян вақтни талаб этади.

Тошкент шаҳридаги Психологик ёрдам маркази директори, психотерапевт ва психолог Зебинисо Аҳмедова билан суҳбатимиз болани мактабга руҳан тайёрлашнинг илмий-амалий асослари мавзусига бағишланди.

— Айтинг-чи, Зебинисо Дехқоновна, болани мактабга психологик тайёрлашнинг илмий асосланган омиллари ишлаб чиқилганми? Фарзанди мактабга илк бор кадам қўётган ота-оналар нималарга эътибор қаратиши лозим?

— Кузатган бўлсангиз, бугунги кунда мактабнинг биринчи синфига кадам қўётган дегарли ҳар бир бола оилада ёки мактабгача таълим муассасаларида ўқиш, ёзиш, санаб бўйича илк кўникмаларга эга бўлиши оддий ҳолга айланган. Бу жуда ҳам қувонарли ҳолат.

ни ҳам баҳолаш мумкин. Минсол учун, бир неча нарсани буюмларнинг умумлаштирувчи ёки фарклантирувчи бирор белгисига кўра бирлаштириш ёки ажратиб қобилиятининг ривожланганлигини текшириш мумкин. Шунингдек, болангизни мактабга тайёрлар экансиз, унда ўз фаолиятини режалаштириш, ўз олдига аниқ мақсад қўйиш ва мақсади томон интилиш сингари хусусиятларини шакллантиришга эришиш даркор.

Боланинг мактабга руҳан тайёр эканлигини аниқлаш учун яна бир муҳим омил болани олдинги кизиқликлари, ўйинчилик ва ўйинлари кизиқтирмай қўйишида намоён бўлади.

— Юқорида социал тайёрлик жумласини қўладингиз. Бундай тайёрлик хусусида ҳам тушунтириш бериб ўтсангиз.

— Социал тайёрлик — бу мактабдаги янги муҳит, янги жамоага мослашишни ўз ичига олади. Мактабга мослашиш боладан ўз тенгдошлари ва катталар билан муносабатга кириша олиш малакасини талаб қилади. Низоли вазиятларни ечиш ўзига қўйиб берилади.

Болани мактабга тайёрлашда ота-онанинг роли катта. Ота-она болага мактаб қонун-қоидалари, масалан, дарсда ўқитувчини диққат билан эшитиш кераклиги, партадоши билан худуд-бехудад суҳбатлашмаслиги, баланд овозда гаплашмаслиги ҳақида тушунчалар бериши лозим.

Бола, аввало, ўзини синфнинг бир аъзоси деб ҳис қилмоғи керак. Синфдошларининг сўзини бўлишни, уларнинг устидан қулишни бошласа, бу бола мактабга тайёр эмаслигини далолат беради. Бола ўзининг фикридан бошқанинг фикри ҳам тўғри бўлиши мумкинлигини тушуниши керак. Психологик етук биринчи синф ўқувчиси ўзига тўғри баҳо бера

олади, ўқитувчи ва бошқалар ташбихини тўғри қабул қилади. Боланинг мактабдаги муаммоси ўзини паст баҳолашда бўлиши мумкин: бола бирор нимани нотўғри қилишдан чўчийди, бир сўз билан айтганда, енгилдан кўрақди. Муаммонинг илдизи оилага бориб тақалади. Бу болага оилада эътибор ва меҳр етимаётган бўлиши мумкин. Балки хаддан ортик талабчанлик қилинаётган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

— Баъзи болалар ҳали ўйинқарок, фикри-ҳаёли тарқок бола ҳам бўлиши мумкин. Бундай болаларни мактабга психологик тайёрлаш учун яна нималарга эътибор қаратиш лозим?

— Болани мактабга тайёрлашдаги энг катта хато — бу болани мактаб қонун-қоидаси билан кўрқитишдир. "Агар ўқитувчининг айтганини қилмасанг, икки кўяди", "Мактабга борсанг, ўйинга вақтинг қолмайди" ва шу каби гап-сўзлар боланинг мактабга нисбатан кизиқининг сўндириши мумкин. Болани мактабга тайёрлашда "мактабда жуда кўз билан кўришга эга бўлиши, жуда кўп янги дўстлар орттириши, кизиқинларини кўпайтириш учун тўғрақарларга қатнашиш" мумкинлигини тушунтириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзингиз мактабга борганингиз, яхши ўқитувчилар, болалар билан саҳнатларга чиққанингиз ҳақида сўзлаб бering. Айни пайтда мактабда баъзан муаммолар ҳам бўлиши мумкинлигини айтинг. Биринчи марта ўқитувчидан танбех эшитганингиз ва илк марта "икки" баҳо олганингизни айтиб бering. Бола билан "мактаб-мактаб" ўйинини ўйнанг. Бир сафар бола ўқитувчи, кейин ўқувчи ролини бажарсин.

Шунингдек, катта синфлар дарсига қатнаштириш мактабга тайёрлашнинг энг қулай йўлидир. Бунда бола томошани сифатида вазиятни тушуни олади. Агар мактабда тайёрлов синфи бўлмаса, очик эшиклар кунда мактаб дарсларига болани қатнаштириш яхши натижа беради. Бола мактаб хоналари, жисмоний тарбия ва сунака синфлари билан танишади ҳамда мактаб ховлисида ўйнаб кўради. Болага анча аввал мактаб ашёларини олиб беришнинг, унинг психологик мослашиши осон кечади. Муҳими, боланинг биринчи синфдаги ўқиши енгиллаштириш учун шароит яратиб бering, унинг кийинчилик билан юзма-юз бўлган вақтида ёнида эканлигинини хис қилишига имкон бering.

«Adolat» мухбири Саодат СОДИҚОВА суҳбатлашди.


БОЖХОНА

Давлат божхона кўмитасининг Олий ҳарбий божхона институтида жорий йилда мазкур олий таълим муассасасига қабул қилинган тингловчиларнинг "Ҳарбий ва божхоначи қасамёди"ни қабул қилиш тантанали маросими бўлиб ўтди. Унда парламент, тегишли вазирлик ва ташкилотлар вакиллари, ота-оналар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда нутқ сўзлаган Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси раиси З.Дусанов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Қ.Жўраев, Ўзбекистон божхона хизмати фахрийлари уюшмаси раиси Д.Кудриддинов ва бошқалар божхона хизматининг энг муҳим вазифаси — давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини химоя қилиш, атерф-мухитни муҳофаза этиш чора-тадбирлари амалга оширилишига кўмаклашиш, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларини химоя қилиш ва ўз ваколати доирасида унинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашдан иборатлигини алоҳида таъкидлашди.

Шунингдек, маърузачилар божхона фаолиятини тартибга солувчи миллий қонунчиликдаги сўнгги ўзгаришлар ва янгиланишлар хусусида алоҳида тўхталишди.

— Жорий йилнинг 21 апрелидан бошлаб қучга кирган янги тахрирдаги Божхона кодекси Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ҳаракатланаётган товарларни самарали божхона назоратидан ўтказиш ҳамда уларнинг божхона расмийлаштируви муддатларини кискартириш имкониятини бериши билан аҳамиятлидир, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Қ.Жўраев. — Янги тах-



рирдаги Божхона кодекси қабул қилиниши муносабати билан божхона соҳасига оид 1300 дан ортик норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар инвентаризациядан ўтказилиб, қайта ўрганиб чиқилди. Натижада 24 та ҳуқуқат даражасидаги ҳужжатларга тегишли ўзгаришлар киритилди, 2 та ҳужжат эса ўз қучини йўқотди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтган божхона соҳасини тартибга солувчи 75 та идоравий ва идоралараро норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш зарурлиги аниқланди. Шулардан 34 та ҳужжат устидаги ишлар тўлиқ якунига етказилди.

Қасамёд қабул қилиш маросими доирасида ота-оналар, кенг жамоатчилик вакиллари институтида тингловчилар учун яратилган шароитлар билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлди.

Институтида йўловчилар божхона расмийлаштирувини ташкил этиш, криминалистика техникаларини ўрганиш, интерактив электрон ўқув дастурлари ўрнатилган синфлар, божхона постининг моделлаштирилган ўқув аудиторияси, хорижий тилларни амалий ўрганиш лингвафон аудиториялари, ҳарбий машғулотлар хоналари, божхона экспертизани амалга оширишга мўлжалланган замонавий воситалар ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланган лаборатория,

автомобиль тайёргарлиги бўйича махсус ўқув тренажёрлари ҳамда транспортда амалий машқалар ўтказиш синфлари мавжуд.

Тренинг машғулотларини амалиётга яқинлаштириш мақсадида ўқув майдонида темир йўл вағони, автобус, фура ва контейнерлар келтирилган. Шунингдек, иккита замонавий ётоқхона, кутубхоналар, спорт мажмуаси, тренажёр заллари, тир, ёзги ва киши сузиш ҳавзалари, теннис корти ва бошқа зарур иншоотлар тингловчилар ихтиёридадир.

— Юртимиз божхонаси — Ватанимиз остонасидир. Бу остонанинг поклиги, ундай ёвуз ниятга ва ғаразғўй қимсалар ўтмаслиги қўп жиҳатдан биз бўлажак божхоначиларга боғлиқ, — дейди тингловчи Мамажон Жўрақулов.

Тантаналар Олий ҳарбий божхона институти қошида ташкил этилган ҳаваскор ансамбл ва ҳарбий оркестр томонидан тайёрланган концерт дастурига уланиб кетди.

Абдуғани СОДИҚОВ

ХАБАР

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан ўтказилаётган мустақилликнинг 25 йиллиги муносабати билан 25 нафар хотин-қизга бепул хизмат акцияси Самарқанд вилоятида ҳам юксак савияда ташкил этилди.

ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН АКЦИЯ

Самарқанд шаҳридаги "Сафи" гўзаллик салонининг очи-лиш маросими ана шундай акция билан бошланди.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида изчил ислохотлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Аёлларнинг рўзгор юмушларини енгиллаштириш, саломадлигини мустаҳкамлаш ва маданий ҳордик чикариши учун тегишли дастурлар асосида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

— Бугун юртимизнинг барча шаҳар ва кишлоқларида замонавий гўзаллик салонлари, спорт клублар ташкил этилиб, хотин-қизларга хизмат кўрсатмоқда, — дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси бош мутахассиси Нилуфар Рўзиева. — Бу эса опа-сингилларимизнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий маданиятини ошириш ҳамда оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга хизмат қилмоқда. Жорий — Соғлом она ва бола йилида бу борадаги ишлар қўлами яна ҳам кенгайди.

Янги гўзаллик салониди шу кун 25 нафар хотин-қизга бепул хизмат кўрсатилди. Шунингдек, мазкур акция доирасида 25 ёшли хотин-қизлар икки ой мобайнида ушбу салон хизматидан 25 фойз чегирма билан фойдаланиши мумкин.

Ф.ҲАСАНОВ, ЎЗА мухбири

ЗАМОНАВИЙ СУЗИШ ҲАВЗАСИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги арафасида Навоий вилояти Қизилтепа туманида замонавий ёпқ сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди.

Спорт масканининг очи-лишига бағишланган тадбирда навигрон авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратилишига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Навоий вилоятида 2003-2015 йилларда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамағармаси томонидан 88 спорт иншооти қурилиб, фойдаланишга топширилган. Ушбу объек-ларнинг аксарияти умумтаълим мактаблари қошида барпо этилган ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтида ўзлари кизиққан спорт тури билан шуғулланиши, ҳар томонлама соғлом улғайишига хизмат қилаётди.

Мазкур жамағарма томонидан 2 миллиард 800 миллион сўм маблағ эвазига барпо этилган спорт масканида барча шароит мавжуд.

Н.РАҲИМОВ, ЎЗА мухбири

МУАССИС:

Бош муҳаррир: Исрол ҲАМРОЕВ

Бўлимлар:

«Adolat»дан кўчириб босиш тахририят руҳати билан амалга оширилади.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100



Тахрир ҳайъати: Наримон УМАРОВ, Муҳаммад АЛИ Гавҳар АЛИМОВА, Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Қодир ЖўРАЕВ

Тошқўлат МАТИБАЕВ, Талъат МУРОДОВ, Абдуқамол РАҲМОНОВ, Собир ТУРСУНОВ, Алишер ШОДМОНОВ, Шухрат ЯҚУБОВ

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Котибият — 288-42-14 (144); Ахборот, ҳуқуқ ва халқаро бўлими — 288-42-12 (146); Кабулхона — 288-42-23; 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 288-42-14 (144)

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган Тахририят махзили: 100043. Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй. info@adolatgzt.uz

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қўроғ бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Бузюртга Г — 900. Адади — 6442. Босишга топшириш вақти — 23:05. Босишга топширилади — 2:00. Баҳоиси келишган нархда

ISSN 2093-6212



1 2 3 4 5 6